

Аёлнинг фазилатлари

ЖДПИ катта ўқитувчиси Д.Абдувахобова

Дарахт ниҳоллик пайтидаёқ танасидаги барча новдалари ўсиб чиқади, кейинчалик бу новдалар улғайиб, шох ва буталарга айланади. Худди шу сингари, инсоннинг фойдаси, камолоти учун бутун умр давомида ниманики ўргатмоқчи бўлсак, шуларнинг барчасини она мактабидаёқ ўргата бошлаш керак. Яратганнинг ўзи ҳар бир мавжудотга жасорат кўрсатиш имконини беради ва онг-тафаккур соҳиби бўлган инсонлар бундан ибрат олиб яшайди. Бир қарашда ҳаёт аломати йўқдек туюладиган тоғу-тошларда ҳам ям-яшил майсалар кўкаради, қирмизи лолалар алвон гиламдек очила бошлайди. Буларнинг барчаси мислсиз қудратнинг ажиб бир тарзда намоён бўлиши билан боғлиқ.

Аёл-Она, шундай қудратни ўзида жам эта олган табиатнинг ажиб бир хилқати. Унинг ўзи гўзал, қаҳри олмосдан-да ўткир, унинг кокиллари сунбуладек, кўзлари юлдуздек, ҳис-туйғулари камалакдек, лекин аччиқ сўзи заҳардан-да ўткир, унинг меҳри дарёдек, қалби уммондек чексиз, аммо ноласи оламни титратади, унинг қараши, юриши, туриши, нозу-қарашмаси фариштадек, нигоҳи пайкондан-да ўткир. Аёл-ким? Унинг жасорати, жозибаси нимада? Аёл бир қўли билан бешикни тебратса, яна бир қўли билан дунёни тебратади. Жуссаси кичик ва нозик бўлсада, ҳаётнинг бўрону-тўфонларидан ўзини ҳимоя қила олади.

Ва яна энг буюғи-фарзанд дунёга келтириб, уни вояга етаказади. Унинг мактабида бола энг биринчи билимларни эгаллайди. Сизги, идрок, тафаккур, диққат каби туйғуларининг тўғри шаклланиши ҳам аёлга боғлиқ. Аёл она бўлгач фарзандига осмон, қуёш, ой, юлдузлар нималигини, кун чиқиш кун ботиш сабабларини, фарзанди кўраётган, таътиётган, эшитаётган, идрок этаётган нарсаларнинг барчасини мавжуд эканини пайқаб олишига, фарқлашига, тушунишига ёрдам беради. Унинг нутқидаги камчиликларни тузатади, энг азиз сўзларни ўргатади. Меҳнат қилишга, тўғри сўзлашга

ундайди. Дунёвий билимларнинг илк намуналарини фарзандига тақдим этади. Энг яхши нарсаларни, энг эзгу тилаklarини, энг тўғри йўлни, энг буюк неъматларни, ҳаттоки энг олий туйғусини ҳам унга инъом этади.

Аёл-она, аёл-ўқитувчи, аёл-шифокор, аёл-бунёдкор, аёл-тадқиқотчи, аёл-санъаткор, аёл-руҳшунос, аёл-олим, аёл-оила учун жавобгар, хуллас аёл-барча билим эгаси. У дунё гўзаллигидан баҳра олади. Аммо истаса унинг кулгусидан олам яшнайди, қаҳридан замин ларзага келади. Дуосидан барака ёғилади. Қарғишидан ер ёрилади. Яхшилигидан-қадами теккан жойдан гул унади, ёмонлигидан-вайроналар кўпаяди. Аёл чидамли, адолатли, жиддий бўлишни ўргатади. Эҳтиросларини беркита олади, илтифотли, хушмуомала бўлишга ундайди. Она мактабининг аҳамияти ҳам шунда. Бу мактаб таассуротни кучайтиради, қизиқишни оширади ва ўрганишга йўл очиб беради.

Еру кўкдаги ўзгаришларни сезиш, ҳис қилиш, сабоқ чиқариш, ўрнат олиш, ён атрофга уйғоқ нигоҳ ва қалб кўзи билан қараш лозим. Шундагина энг буюк жасорат нима экани, ҳаёт мазмуни нимадан иборат экани аён бўлади. Аёл фазилатларининг чегараси жасоратлари билан ҳамоҳанг. Унинг қалби нозик, лекин матонатли, унинг билаги ингичка, лекин бардоши кучли, елкалари кичик, аммо юки оғир. Чунки у бир сўз билан **ОНА** дир.